

**КАРПАТ ЗОТЛИ АСАЛАРИ ОИЛАЛАРИ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШДА ҚЎШИМЧА ОЗУҚАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

*Акрам Чарангаев*

*Самарқанд давлат ветеринария медецинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали магистрант*

*Улуғхўжа Ходжаев*

*Самарқанд давлат ветеринария медецинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали катта ўқитувчи*

**Аннотация:**

Ушбу мақолада карпат зотли асаларилар купайиши маҳсулдорлигини оширишда турли маҳсулотлардан фойдаланиш ва сифитли асал олишга қаратилган.

**Калит сўзлар:** карпат, асал, озуқа, гулчанг, шакар.

**Тарқалиши:** Асосий асал учун карпат маликаларида тухум ишлаб чиқариш юқори ҳисобланган ҳолларда маҳсулдорликни ошириш учун озуқага катта аҳамият берилади. Бу, асосан карпат асаларилари карпат тоғларида тарқалган бўлиб, тоғли ҳудудларда асал йиғишга мослашган.

**Маҳсулдорликни ошириш:** Маҳсулдорликни ошириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар қуйида келтирилган:

1) етарли озиқ жамғарилиши;

2) озиқ таркибига шакар миқдорининг етарли кўшилиши;

3) гулчанг ўрнига соя дони уни, ёғи олинган сут, пиво ёки хамиртуруш аралашмасининг ишлатилиши:

– кучли асалари оиласидан фойдаланади

– асалари ромларида гул чангларнинг етарли бўлиши

– озиқ таркибига шакар миқдорининг етарли кўшилиши

– асалари оиласи личинкаларини кўпайтириш

**Мазкур банднинг ўзи яна олтига бўлинади:**

1. дурағай зотларидан фойдаланилди.

2. сувнинг етарли бўлиши.

3. ариларнинг соғломлаштириш озиғи билан боқиш (биомицид, оксилли озиқа кўшилади).

4. озиқ таркибига нон хамир туришидан фойдаланиш.

5. асалари оиласи личинкаларини кўпайтириш.

6. асалари ромларида гулчангларнинг етарли бўлиши.

**Кўпайиши:** Кузда шира келиши камайиши билан она асалари тухум қўйишни камайтириб бориб, аста-секин тухум қўйишни тўхтатади. Бунинг олдини олиш учун қўйидагиларга амал қилиш зарур:

- она асаларилар ёш бўлиши;
- уялар иссиқ ўралган бўлиши;
- озуқа етарли бўлиши;
- табиатда асал ва гулчанг бўлиши.

Баъзан, назорат пайтида оилаларда асалари насли йўқлиги кузатилади. Бундай шароитда оилага ёш насллари бўлган назорат ром берилади, 1-2 кундан кейин такроран кўздан кечиради. Агар она асалари бўлмаса, оила кичикроқ бўлса-да, уларни бошқа оилага қўшиб юборган маъқул.

Она асалариларнинг кузда тухум қўйишини узайтиришга хизмат қилувчи услублар келгуси мавсумда яхши ривожланадиган кучли оилаларни шакллантириш имконини беради. Аммо бунда оилалар миқдори ўзгаришсиз қолади. Асаларичилик нафақат асал маҳсулотлари, балки кўплаб асалари оилалари етиштириб сотишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Қишлоқ даврида бу оилаларда озуқа етарли бўлиши керак, боиси уларда озуқа сарфи кўпроқ бўлади. Шунингдек, қўшимча она асалариларни ётиқ уяларда асосий оила ёнида тўсиқ ортида сақлаш мақсадга мувофиқ. Бунда кутидаги асаларилар ғужланадиган жойда бир-бирини иситади ва ўртадаги тўсиқ олдида кутига тўйнуқчалар очилади. Мавсум якунланиши билан асалари оилаларида ёш наслнинг тарбияси яна қизгин тус олишини алоҳида эътирофга сазовор. Гулчанг оз миқдорда бўлса ҳам, шира келтириб турилганида она асаларининг тухум қўйиши мунтазам ортиб боради. Куз ойларида оилада «қишқи» асаларилар гуруҳи шаклланади.

Ушбу йил чиққан ёш она асалари кўпроқ тухум қўйиши, уларнинг оилалари узокроқ муддат насли бўлиши маълум. Бир яшарли она асаларилар кузда, уч ёшлилардан узокроқ ва тахминан 2 баробар кўпроқ тухум қўяди. Шундай қилиб, оилаларни кучайтириш ва қишқи йўқотишларни камайтириш борасидаги зарурий тадбир кекса она асалариларни ёшларига алмаштиришдан иборат.

Табиатда шира бўлмаган пайтда уларни шарбат билан озиклантириб, асалариларни парваришlash учун керакли чоралар кўрилади. Уялар қишлоқга йиғилганида бу оилачалар қишлоқ учун етарли озуқа ва жойга эга бўлиши керак. Бунинг учун уларга асосий оилалардан олинган, гулчангли ва асалли ромлар берилади. Ётиқ уяларда ҳажмидан келиб чиқиб, (юпқа фанер тўсиқ орқали бир-бирини исита оладиган тарзда) 8–10 қўшимча она асалари жойлаштирилади. Кузда табиатда озуқа тугаши билан асаларилар ромдаги ёш насли озиклантиришни тўхтатади, бу парвариш муддатларининг қисқаришига олиб келади.

Она асалари тухум кўйиши учун асалариларга озуқа йиғиш шароитини яратиши талаб этилади. Бунда асалариларни кеч гулловчи ўсимликлар майдонларига кўчириш керак. Асалари оиласига (кунига 200–300 г) кузда шира келиб туриши ёш она асалари оилаларида ёш насл миқдорининг сезиларли ошишига олиб келади. Агар бу вақтга келиб табиатда шира умуман тугаган бўлса, асаларилар кунига (озуқа захираси етарли бўлганида кунора) 200–300 г дан шакар шарбати билан озиқлантирилади. Кўшимча 100 озиқлантириш оиладаги ёш насл миқдорини 30–50 фоизга оширади, бироқ табиий шароитдан йиғилган озуқа фаолроқ таъсир кўрсатади.

Яъни, уядаги насл миқдори ошиши учун шира келтирилиши ёки шакар шарбатидан ташқари оилаларда оқсилли озуқа – гулчанг ҳам бўлиши керак. Одатда, бу пайтга келиб кечки экилган маккажўхори, кунгабоқар ва бошқа ўсимлик майдонлари етарли миқдорда гулчанг бера олади. Шу боис ари уялари кечки экилган маккажўхори, кунгабоқар ва бошқа ўсимлик майдонларига кўчириб турилади.

**Тавсиялар:** Фермер хўжалигида асаларичиликнинг маҳсулдорлигини ошириш ва асал ишлаб чиқаришни кўпайтиришда қуйидагилар талаб этилади:

- асалари зотларини яхшилаш, уларнинг серпушт ва сермаҳсуллигини ошириш;
- чет давлатлардан зотли она арилари келтириш;
- асаларчилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликларига асалариларнинг юқумли ва юқумсиз касалликлар бўйича ҳолатини ўрганиш ва уларга қарши чора қўллаш;
- асаларичилик маҳсулотлари ҳамда жиҳозларини сотишга ихтисослашган махсус савдо дўконларини ташкил қилиш;
- асаларичилик фермер хўжаликларини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш;
- инвестиция ва ҳомийларни жалб этиш;
- лизинг асосида мини технологиялар, жиҳозлар ва асалари павильёнларини келтиришни йўлга қўйиш;
- илғор асаларичилар ва асаларичилик хўжаликлари иш тажрибасини ҳамда фан ютуқларини оммалаштириш;
- асаларичилар ҳақида радио ва телекўрсатувларни матбуотда мунтазам ёритиб бориш;
- табиатда шира бўлмаган пайтда уларни шарбат билан озиқлантириб, асалариларни парваришlash учун керакли чоралар кўриш;
- гулчанг бера оладиган кечки экилган маккажўхори, кунгабоқар ва бошқа ўсимлик майдонларини етарли миқдорда кўпайтириш.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Н.Ф.Крахотин. “Ўзбекистонда асаларичилик”. – Т.:Мехнат, 1985.
2. А.И.Исамуҳаммедов. “Асаларичилик”. – Т.:Ўқитувчи, 1995.
3. Б.А.Қаҳрамонов., А.И.Исамуҳаммедов., У.Ш.Балласов., С.Ш.Исамуҳаммедов., О.С.Тўраев. “Асаларичилик”. – Т.: 2012
4. А.И.Исамуҳаммедов., Ҳ.К.Никадамбаев. “Асаларичиликни ривожлантириш асослари”. – Т.: Шарқ нашриёти, 2013 йил.
5. Г.А.Аветесян. “Пчеловодство” Москва. Колос, 1982 г.

**Электрон манбаалар:**

1. [www.ziënet](http://www.ziënet)
2. [www.uralri.ru](http://www.uralri.ru)
3. [www.z3r.ru](http://www.z3r.ru)
4. [www.agronews.ru](http://www.agronews.ru)
5. [www.apk-inform.com/animalstat](http://www.apk-inform.com/animalstat)
6. [www.proagro.com.ua/news](http://www.proagro.com.ua/news)